



Алмати шаҳридаги Миллий кутубхона залида Жўжи улуси таваллудининг 800 йиллигига бағишланган “Шарк манбаларида козок давлатчилиги феномени” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Тадбир Р.Б.Сулейменов номидаги Шаркшунослик институти томонидан ташкил этилди.

Халқаро конференция давомида Р.Б.Сулейменов номидаги Шаркшунослик институти директори Дукен Масимханули Жўжи улусининг 800 йиллигини нишонлаш муҳимлигини таъкидлади.

“Давлатимиз раҳбари Миллий Курултойнинг ўтган йилги йиғилишида Жўжи улусининг 800 йиллигини юртимизда кенг нишонлаш бўйича топширик берган эди. Хуллас, бу йил бутун республика бўйлаб Жўжи улусининг 800 йиллик юбилеи нишонланмокда. Аммо байрам – бу зиёфат килиш, дастурхон тузаш ва дам олиш дегани эмас. Дарҳақиқат, Козок хонлигининг келиб чиқиш манбаи Жўжи улуси эканини асослаш. Албатта, биз ҳеч нарса уйдирмаяпмиз, тарихнинг ўзи шундай шаклланган”, – деди у.

Шунингдек, институт раҳбари Чингизхон ва Жўжи улуси бўлмаганида Марказий Осиё минтақаси ва унинг халқлари қайси йўналишда ривожланади, деган мавзуда ўз фикрларини билдирди.

“Баъзан зиёлилар орасида Чингизхон ҳақида тортишувлар бўлиб туради. Лекин муаммо Чингизхон козок бўлганида ёки ўзбек, мўғул ёки киргиз эканлигида эмас. “Агар у бўлмаганида, Марказий Осиё қайси йўналишда ривожланиб, қайси маданият билан

тўлдирилган бўларди?” деган савол тугилади. Менимча, агар Чингизхон бўлмаганида, бизнинг Марказий Осиё минтақамиз ўша даврда канотларини ёйиб бораётган ислом дини доирасида араб-форс тилларида сўзлашувчи халklar ватанига айланиб қолиши мумкин эди. Биз учун эса Чингизхон ижоди ана шу буюк соҳада туркий халklar сифатида шаклланишимизга, туркий халklar сифатида давлат қуришимизга замин яратди. Хусусан, Чингизхоннинг икки ўғлидан бўлган Жўжи улуси ва Шағатой хонлиги туркий халklarимиз давлатчилигига асос солган”, – деб таъкидлади Дукен Масимханули.

Эслатиб ўтамиз, аввалроқ Жўжи хоннинг 800 йиллигига бағишланган экспедиция Туркистонга етиб келгани ҳақида ёзган эдик.

Француз тарихчиси Жўжи улусининг халқаро дипломатияга таъсири ҳақида гапирди.

Козок матбуоти асосида